

Мусулмон аёллар Ирландиядаги муҳтожларга ёрдам бермоқда



09:00 / 01.07.2021 1403

Ҳар жума куни Дублин шаҳридаги «Муслима опа-сингиллар хайрия фонди» муҳтож аҳолига юзлаб иссиқ овқатлар тарқатмоқда. Бепул ошхона очган ушбу ташкилот уларнинг хизматларига талаб катта эканлигини айтмоқда.

«Бизда 300 порсия овқат бор эди ва 45 дақиқа ичида барчаси тугади. Бу ҳафта озгина иссиқ овқатга эга эдик», - дейди кўнгиллилардан бири. — Шунингдек, уйсиз одамлар чодирлар ва ухлаш сумкаларини беришимизни сўрашмоқда.

Ташкилот раҳбарларининг сўзларига кўра, улар Дублинда беш йил давомида уйсизларга ёрдам бериш учун ҳар ҳафта ошхоналар очишган.

Коронавирус пандемияси бошланганидан сўнг, гуруҳ озиқ-овқат камчилигини бошдан кечираётганлар сонини сезиларли даражада кўпайганлигини маълум қилишган.

Таржимон Мунира Баҳодиржон қизи